



Ёшларнинг ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ТУРКИСТОН

1993 йил 20 март • Шанба • № 33 (14061)

تورکستان

TURKISTAN

Нархи 5 сўм.



Кутуб

Ўзбекистон халқига Наврўз табрикомаси

Азиз ватандошлар!

Мухтарам отахон ва онахонлар! Опасиниллар, ака-ўналар! Мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлоди — қадри ўнгиқларим!

Наврўз олам сизларга муборак бўлсин! Кўп минг йиллардан бизга мерос қолган, олис аجدдоларимиз кутлуг санаган бу байрам замнида олам-олам мазмун бор. Наврўз — табиатнинг уйғониш тўғриси, она ерга муҳаббат тўғриси, эзгу-умидлар тўғриси.

Наврўз мустақил Ватанимиз учун айниқса азиз ва қадри! Чунки биз уни курашиб қайта қўлга киритдик. Бир вақтлар Ўзбекистон ва Ўзбеклар шаънига маломат тошини отган кимсалар Наврўзни ҳам бадном қилмоқчи бўлдилар, халқни табаррук байрамидан айирмоққа уриндилар. Яратганга шукрлар бўлсинки, уларнинг бу ғарази амалга ошмади. Истиқлол шарофати билан халқимиз кўҳна байрамни расман янраб тантана қилишга мушарраф бўлди. Бу адолатнинг галабасидир.

Мана шу кутлуг Наврўз кунда сиз, азиз ватандошларимизни ишонтириб айтманки, бундан буён ҳам юртимиз ва халқимиз шаънига маънавий қадриятларини кўз қорачиқдек асраб-авайлаймиз ва қатъий ҳимоя қиламиз.

Наврўз — эзгулик байрами. Суҳб ва тотулик байрами. Биз она юртимизнинг ҳамisha тинчликда, омонликда бўлишини истаётимиз ва қўшларимизга, ички низолардан ҳафзо чекаётган узоқ-яқин элларга ҳам барқарор осойишталик йўлларини тилаймиз.

Баҳор — ёшлик фасли, янгиликнинг,

гуллаш, яшнаш тисмоли. Мустақил ватанимиз ҳам янгиликнинг даврини бошдан кечирмоқда, гуллаш ва яшнаш даврининг пойдеворини қурмоқда. Умидимиз халқимизда, ёшларда. Юртингиз залворли юкни кўтарганин нор йиғинлар, ўқтам фарзандлар керак. Шундай фарзандларни тарбиялаб юзга етказган ота-оналарга, билим ва ҳунар ўргатган камолотга етказган устозларга, соғлом авлод учун умрини бағишлаган барча азиз инсонларга ватан ташаккур бўлсин!

Бу муборак кунда ватандан олисда хизмат вазифасини бажарётган юрдошларимизга, тахсил кўраётган талабаларимизга, дунёнинг турли ерларида истиқомат қилаётган туркистонлик ватандошларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига Наврўз саломини йўлаймиз.

Бу йилги Наврўз йиди рамазон арафаларига тўғри келди ва янада қадри, шарофатли бўлди.

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин.

Бугун далаларга сепилётган уруғ, боғларга экилаётган ниҳолларга Оллоҳ таоланинг баракот кунини сочилиб бўлсин.

Азиз юрдошларим! Наврўз олам хонадонимизга бахт саодат, эл-юртимизга тинчлик, осойишталик келтирсин, Йилимиз кутлуг ва баракали бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг
Президенти.

Айём муборак!

Азиз ёшлар!

Энг дилбар, энг кўҳна ва айни пайтда ҳамisha навқирон байрам — Наврўзнинг кутлуги муборак. Мустақил юрт Наврўз унинг ҳар бир ватанпарвар фарзанди учун ўз маллақати истиқбол йўлида янада ҳайри, эзгу ишлар қилиш имкони ҳамдир. Кўп синовларга дош берган Наврўзимиз каби, биз ҳам шу кун мураккабликларга дош бериб,

келажакги буюк Ўзбекистон учун фидойилик синиовдан ўтмоғимиз лозим. Ишонимизки, бу йўлда халқ ишончини оқлаймиз.

Зеро, Наврўзда қилинган ният ижобат бўлади. Яна бир бор байрамимиз билан, азиз дўстлар.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ.



ХУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Бош вазир Виктор Черномырдин билан учрашди. Узаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш борасидаги музокаралар натижасида молия-кредит, маданият, фан-техника, маориф, соғлиқни сақлаш, ахборот алмашиш, геодезия ва картография, автотранспорт ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Бош вазир В. Черномырдин куннинг иккинчи ярида Самарқандга келдилар. Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойлари билан танишишди.



ЎБРАТ ЁШЛАР ТАШАББУСИ

Очирини айтиш ўринли, бу йилги ҳашардан кўпчилигимизнинг кўнглимиз тўлади. Бунга об-ҳавонинг ўша кунги илҳами сабаб. Ҳафсала билан ишлаш учун табиат ҳам чекрасини очиб турса-да! Шунда иш унумли келади, ишлаб чарчамайсан, қайғит байрамона кечад...

Хоразм вилоят ипакчилик ишлаб-чиқариш бирлашмаси ЁИ бошланғич ташкилоти Ўзбекистон ёшлар ташкилоти тузилган санага бағишлаб 1993 йилининг 3 апрель кунини ҳашар ўтказиш ташаббуси билан чиккенда юқоридagi «Кўнгли тўла» мақсадли эътиборда тутишган бўлишига ажабланади. Ҳозирги мақсад ҳам жуда эзгу — шу кунини ишлаб топилган маблағ ёш ипакчиларнинг, иккинчи муҳофазига муҳтож ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфланади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу жуда маъбуд йўлдир.

Ипакчилик ишлаб-чиқариш бирлашмаси ёшларнинг бу хайрли ташаббусини вилоят ЁИ қўмитаси ҳам маъқуллади. Шу кунини кўҳна Хоразмнинг берча ёшлари ҳашерга чиқишди. Ишлаб-чиқаришда банд ёшлар шу кунини ишлаб чиқарган илҳам-сўлоғлардан тушган даражадан ишлаб-чиқаришга қисобига ўтказишди. Айни пайтда юрт ободончилиги учун ҳам катта кўмакчилик ишлаб амалга оширилди.

Хоразмликлар бу хайрли ташаббусларини давлатимизнинг бошқа ёшлари ҳам қўллаб-қувватлейдилар, деган умидда.

ТАҲРИРИЯТДАН:
Хоразм вилоят ипакчилик ишлаб-чиқариш бирлашмаси ёшларнинг 3 апрель кунини ишлаб чиқариш ташаббусини Ўзбекистон ЁИ Маркази маъқуллади.

МАНСУРАЛАР МИННАТДОРЧИЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. А. КАРИМОВга

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Қадимий ва навқирон Хоразм эли, унинг заҳматкаш ва жонқур меҳнатнаш аҳли, жумладан, ҳар бир жаҳада фаоллик кўрсатиб ишлаётган хотин-қизлари, сиз муҳтарам инсонни мустақил Ўзбекистонимизнинг тинчлик ва осойишталик посбони сифатида эъзозлайдилар. Сизнинг доно сивасатингиз туфайли Ўзбекистонимиз осойишталик масанни бўлиб турибди.

«Бир кун уйда уруш бўлса, қирқ кун ризқ қаманди», дейишди боболаримиз. Тинчлик, фароғатлик, фаровонликнинг асосий шarti эканлигини англаб етганларгина ўз ризқ-рузаларини тугал, бутун асрашга қодирдилар. Ушбу ҳикмат элимизда қадр топган экан, бу ҳам сизнинг узоқни қўзлаб тутган сивасатингиз туфайли эканлигига шак-шўба йўқ.

Гуржистон ва Тожикистонда рўй берган қонли тўқнашувлар, бой берилган умрлар оналар қалбини ларзага солди. Она учун фарзандлари ҳаётини, уларнинг беҳавотир, беэвоал яшашларидан кўра азиятқор нарса йўқ. Бизнинг оналар ўғил-қизларидан кўнгиллари тўқ, Демакки, хабллари нурафшон, меҳнатлари самарали, эртанинг кунларига умид ишончлари чарогон экан. Сиз азиз президентимизнинг бекиёс ўрнингиз борлигини чуқур ҳис қилдилар.

Хоразм аёллари азалдан жасур ва қатъиятли, эпчил ва тадбиркор бўлишган. Уларнинг томирларида афсонавий қаҳрамон — Тўмарик ва Тўрабекхонимларнинг қон гуриқраб оқди. Дарвоқе, иқтисодий қийинчиликлар даврида аёлларимиз нолиб ёни қўл қовуштириб «ўтирмай, дадил ишга киришиб, эзгу ният билан «МАНСУРА», яъни зафар топган, қолиб деб номланган тадбиркор аёллар клубини тузишди. Бу клуб ташаббуси билан жойларда унутилмаган қадим моламларимизнинг гилам, палос, кигиз, шойи тўқиб, урчуқ йиғириш каби касб-ҳунарлари қайта тикланмоқда. Маънавий қадриятларимиз кундалик турмушимизга тадбиқ қилинмоқда. Булар ўз навбатида хотин-қизларимиз ҳаёти, ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Бу тадбирларнинг ўзбек воҳа хотин-қизларининг сизнинг мўл-қўлчиликка эришиш борасидаги йўл-йўриқларингизга амалий жавобларидир.

Вилоятимизда сизнинг бевосита қўмагингиз билан бунёд этилаётган қатор sanoat корхоналарида ишлашга муҳтож аёллар ҳам ўз ўринларини топадилар, деган умиддамиз.

Бугунги бахт ва баҳор байрами айемида сизнинг хайрли ва машаққатли, шарофли ва эзгу ишларингиз тўла-тўқис рўёбга чиқишини йўлида сизга куч-қувват, сийҳат-саломатлик, бахту-омад ёр бўлсин.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Навбатдаги ғамхўрлик

Юртбоши оқил бўлса, унинг ҳар бир ташлаган на- дамидан гуллар унади, деган гап беҳудага халқ орасида юрмайди. Шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон шундай юртбоши эга. Турли минтақаларда узаро хуррезлик ва бошбондоқлик кезаётган, натижада одамлар ҳалок бўлаётган ёхуд эртанинг кунга ҳаёт билан қараётган бир паллада Ўзбекистонликлар юз бераётган воқеа-ҳодисаларга боисқилик ва серғаклик билан муносабатда бўлаётдилар.

Ижтимоий адолат ҳуқуқ сурган ва барча тадбирлар халқ манфаатини қўзғаб ишлаб чиқариётган юрда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кун кеча имзо чеккан навбатдаги Фармон ҳам халққа ғамхўрликнинг намунасидир. Фармонда айтилишича, истеъмоладан хизматларнинг нархлари тўғрисида ўзид бораётган шароитда Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудда иш ҳақининг энг оз

миқдори ойига 3000 сўм миқдорда белгиланади ёхуд иш-ловчиларнинг мансаб оқладлари 1,2 баравар оширилади. Айни вақтда берилётган барча турдаги пенсияларнинг миқдори 30 фоизга оширилади, меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 3.250 сўм қилиб белгиланади.

Ҳар доим бўлганидек, Ўзбекистон келажакнинг энг илдам устуллари — талаба-ёшларга ҳам қатор имтиёзлар берилган. Айни олий ўқув юртлири талабаларнинг стипендиялари, қийин-бош ва оғир билан таълим-лашмайдиган техникумлар ҳамда хунар-техника билим юртлири ўқувчиларининг стипендиялари, 1,2 баравар қўл-явтирилади, боз ҳастага талабаларнинг ошконалари ва буфетларида тушки оғнатларнинг қийматида 30 фоиз чегирмалар сақлаб қолинади.

Умуман айтганда, ушбу Фармонда кўзда тутилган иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларни оширишга сарфланадиган ҳаракатлар 1993 йилнинг ўзидангина 40 миллиарддан кўпроғи давлат маблағларини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси

Президенти имзо чеккан Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори аса республика аҳолисини болаларга аталган моллар ва ип-газламалар билан белгиланган миқдорда имтиёзли нархларда таъминлаш тадбирлари тўғрисидадир. Шундай қилиб, 1993 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда болаларга аталган (ҳамма турдаги) моллар ва ип-газламаларни аҳолига чакана савдо тармоғи орқали сотиш чоғида чакана нархдан 50 фоиз миқдорда чегириб, имтиёзли нархлар билан сотиш жорий этилади.

Умумхалқ байрами — Наврўз кирои келатган ва одамлар диний байрам — Ҳайитга яхши ниятлар билан ҳозирлик қўраётган бу паллада бу фармон ва қарорнинг эълон қилиниши айни муқдодо бўлди. Айтиш мумкин, ишбу фармон ва қарор (давр тақозоси билан шунга ўхшаш фармон ва қарорлар яна чик-қар) аҳолининг эртанинг кунга бўлган умиддорлигини янада мустаҳкамлади, десан муболага бўлмас. Бундай ишонч, айниқса, ҳозир муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУТБОЛНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистонда футболнинг оммавийлиги ва унга катта қизиқиб борлигини, унинг аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда ва жисмоний тарбияни яхшилашда муҳим аҳамиятини, халқро мейдондаги спорт алоқаларини кенгайтиришда кенг имкониятларнинг эътиборга олиб ва уни янада ривожлантириш мақсадида қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат физкультура ва спорт қўмитаси, Халқ таълими вазири,

2. 2000 йилгача футболни ривожлантириш миллий дастурини 1993 йил 10 майга қадар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғига киритсинлар.

3. Ўзбекистонда футболни ривожлантириш жамғармаси тасис этилиб, унга Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 100 миллион сўм ажратилсин. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг, «Умашлашга-газламалар» давлат концернининг,

ЗАФАРБОДГА КЕЛИНГ, ЗАФАРБОДДА УЧРАШАМИЗ!

Аввал эслатиб ўтганимиздек, тахририят жамоаси билан биргаликда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қўмитаси ходимлари Зафарободда ўтадиган Наврўз шодёнларида фаол иштирок этадилар. Бир қанча хўжалик ва ташкилотларда учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган. Шу кунини газета ижодкорлари шоир ёзувчилар қаторида қизиқчи, хонанда-созандалар ҳам чулқувларлар хизматида бўладилар.

«Туркистон»чилар ўзининг барча дўстларини бугун ва эртага ўтадиган байрамга таклиф қилади.

(Давоми 2-бетда).

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам, Чаман сарви билим хилват, менинг сарви равоним ҳам. Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарви қилиб жавлон, Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам. Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарви бўлуб дилбар, Анин ел айлабон музтар, бу елдин секретит аҳдам. Қўнуб ул сарв уза бўлбуб, чекиб гул шавқинин гулгул, Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам. Қилиб оҳи сари парв, буён майл этмадиг қатъ, Сабодин, эй қадм равно, бўлур ҳам сарв тахтат ҳам. Бу боғ мина май, эй соқийин, бормен асру муштоқи Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, тул аҳди ҳам маҳкам. Навойи, кўйин эт манзил, юзу қаддига бул мойил Ки, боғ эмас сени тушдин, гулу сарв айламас хуррам. (ФАВОЙИД УЛ-КИБАР», 420-қатна)

Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам. Маҳбубага нисбатан «сарви равон», «сарв» каби историквий нисбатлар қўлланиши фақат бадий санъатининга эмас, балки инсон илоҳий ҳусн зуҳур этуви она табиятининг бир бўлаги, унгача бир нуқсаси қабилидаги фалсафий мушоҳадани ҳам билдиради. Иккинчи сатрдаги қисс ҳам қизик: сарв ёки умуман, дархат ва боғнинг асосий парвароши этувчиси демак, бирдан бир шайдоси — Боғбон. Мазъуқи манзурнинг шайдоси эса бутун олам. Бу муболағга ўхшаб кўринади. Лекин муболағга кўламлидан билиниб турибдики, таъриф-таъсиф ҳаётини инсон ҳақида эмас, муқаррар суратда бутун борлиқни ўз ҳусни билан мафтун ва мунаввар этиб, меҳру муҳаббат ришталари ила маҳкам тортиб турувчи Тангри тельати тўғриси-



Яқинда Тошкент шаҳрида «Меҳрибонлик» дея ном олган болалар фестивали бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари республикамиздаги турли болалар уйлари, мактаб-интернат таърибланувчилари, ўзбекистон, болалар ва ёшлар уюшмаси, «Муруват» кичик-корхонаси, Фестиваль қўнғили кечини болаларнинг дардига малҳам бўлишига, кўй-қўшиқлар тинглаб ҳордиқ-инқиршиқларига, турли соғвалар олиб, шодланишларига сабаб бўлди.

СУРАТДА: фестивал иштирокчилари. А. ЗУФАРОВ тасвирга

НАВРЎЗ ВА МАНЗУР МАЛОҲАТИ

Назарда тутилган образ демакдир. Илоҳий ҳусн соҳиби тасавуфий тимсолдир. Мутасавуф шонлар табият ва инсон гузаллигини уларнинг яратувчиси, асл манбадан айру тасавуру таъсир этолмасдилар. Чунки, тасавуф таълимотида, Оллоҳ ўзининг ҳусну жамолини, жисму камолини кўзгудегидек кўриш учун ўз вужуддан моддий оламни мавжуд этди. Олам мина гузал табият ҳамда одамни яратди. Шу кўйи табият ва жамият бўлиб қолди. Бу икки қутб Илоҳ вужудининг узвлари янгли яшай бошлади. Оллоҳ ўз жамолидидаги жамки ҳайратомуз чироқ белгиларини табият ва инсон ҳуснида янглиштириб қўйди. Борлиқ — Тангри талъати кўзгуси янглиг зуҳур этди. Бани борлик Оллоҳнинг қиёфаси, кўрки, жамоли навоён бўлиб турадиган, шуълаландиган мезор, ҳафта эвриди.

Навоийнинг илк мустазодларидан бириди «Эй, ҳуснуга зарроти жаҳон ичре тажалли, маъзар синаг аш» шох сатри фикримизнинг эркин далилидир. Мутафаккир биргина сатр заминига бутун бошли тажалли фалсафасини сингари олган. Бунинг маъноси шуки: «Эй қадир Оллоҳ, жаҳондаги зарралар ичре мавжудам, улар Сенинг жилвағинг, борлиқдаги берча аш Сенинг навоён бўлиш ўрини ва шайқиндир». Ана шундай фалсафий дунёқараш асосида табият ва жамият бадий адабиётнинг манбаи айланди. Табият ва жамият билан боғлиқ қатор таъкиотлар (образ), турфа ифодалар вужудга келди. Адабиёт мана шу маҳарраман озикландиган, табият ва жамиятдаги жамки, лавҳа, ҳаётини ҳодисалар тасвири учун ба-



Навоий яшнаб яшарайган табият билан гузал табият қўйида илоҳий қудрат таъсирини демак, инсон ва табият муносабатларидаги ҳайратомуз муносабатни тасвирини. Ҳўш, чаман сарви билан сарви равон кийинишидаги мувофиқлик сеҳри нимадир? Бунга фақат Наврўз таъсирини сабабмики? Биринчи сатр замиридан англашмалдики, шонр шодиваси ҳам тимсоллар тасвири мувофиқлига бош сабаб Наврўз билан байрам — ҳаётининг баробар келишидир. Қўш байрамнинг баробар келиши, албатта, шонр қалбига қўша-қўша қувонч инҳомлар солган ва ушбу газаляратиларга туртки бўлган. Демак, чаман сарви билан сарви равонининг яшил либосга тантанавор бурканиши табият янглианиши — янги йил байрами билан илоҳий рамазон ҳайити баравар содир бўлгани — Оллоҳ таоло қароматининг тимсоли тасвириндир. Яна қувончлари эри шундани, «Наврўз ила байрамнинг баробар келиши ҳар ўттиз уч йилда бир ўз бераркин. Ушбу йил ҳам, иншоолло, Наврўз байрами билан рамазон ҳайити баробар келиб турибди.

Кейинги сатрлардаги изчил муқоасада шонр чаман сарвида сарвад дилбарнинг гузаллигини орттириб тасвирлашга мойиллики билдиради. Сарвининг кўйини ҳайрон қараб турган кишини эслатади. Бу маънада шонр сарв Наврўз айёмиде жавлон ураётган машъуқага ҳайрон лол қолтади. Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарви қилиб жавлон, Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам. Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарви бўлуб дилбар, Анин ел айлабон музтар, бу елдин секретит аҳдам. Қўнуб ул сарв уза бўлбуб, чекиб гул шавқинин гулгул, Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам. Сара узра қўнуб олиб, девонавор наво чекавтган бўлбуб Наврўз элчиси. Анинг пайтада, у гул, янги илоҳий ҳусн шавқиде сарнаст сайравтан шайдо-йи ошқ тимсоли. У — сарв бутонда шавқ анжуманини тузиб гул иволқидан гулбон ураётган хушхабар қуш рамзи. Одам — сарв тасвири бундан-да мароқли: унинг гул очини — Наврўз рўшноликлариде гул-гул очилди; шабнам — довлари инсоннинг Наврўз айёмларидаги хуррамликдан энтиниш, эхтирос терларига фарқ бўлишининг тимсоли тасвири. Байтадаги ана бир нодир фазилат эътиборини тортади. Бу «бўлбуб», «гулгул», «очилиб гул» сўзлари воситида вужудга келган сакъ санъатидир. Ушбу назмий санъат — шеърда оҳангдорлик, маъно ургуси ҳамда эхтиросири силсиласини қувайтирувчи муҳим бадий восита. Фазалининг кейин-

ги байтлари ҳам мана шундай муважжаъ услубда яратилган. Фазалининг кейинги икки байти куюқ фалсафий фикрларга йўғрилган: Бу боғ ичре май, эй соқийин, бормен асру муштоқи Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам. Навойи, кўйин эт манзил, юзу қаддига бул мойил Ки, боғ эмас сени тушдин, гулу сарв айламас хуррам. Шонр соқийдин май тилапти. Бу — қандай май? Шонр мавжуд дунёдаги сарву сарвиноз гузаллигидан ҳар қанча сўйламасин, у боқий аслига гузаллигини олдида фоний ва ўткинчилигини сезиб туради, шундан қониқмайди. Яъни, инсон ва табият чироқини жуда ганимат, аммо у омонат ҳам. У асл жамолнинг акси, холос. Тасавуф аҳли эса аслиятининг

ТАЛАБАЛАР ТАНЛОВИ

Тошкент Давлат молия институтиде факультетлар аро бадий ҳаваскорлик ансамбллариинг танлови бўлиб ўтди. Ушбу танлов билан бир қаторда йигит-қизлар деворий газете, спорт мусобақаларида ҳам куч синишдилар. Миллий таомлар тайёрлаш борасида эса институт қизлари бир-бирларидан ўтиб тушидилар десак хато бўлмас. — Шу кунни кам таъминланган талабаларга 300 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди институт касабга уюшмасининг раиси З. Худойбердиев. — Бу ҳам Наврўз арафасида ёшларнинг кайфиятини кўтарди, турли тадбирлар бўш вақтларини унумли ва қизиқарли ўтишида ёрдам бўлади, деб ўйлаймиз.

Н. КОМИЛОВ.

БАЙРАМ НАВРЎЗБУЛОҚДА УТАДИ

Жиззахликлар баҳор байрамини Наврўзбулоқда янгилаб келган. Шундай файзли гўша «кичикдилар мазоринга айланган» деган Республиканиг мустақиллигиде шарофати билан халқининг миллий байрами яна Наврўзбулоқда ўтказилган бўлди. Маскан ўтган йилда тозаланиб, маросимлар ўтказиш марказига айланган бўлган эди. Хошр кўча савдо расталари, оқатланши шохобчалари, маданият дам олши жойлари байрамга ҳозирланмоқда.



2-«Б»га НАВРЎЗ КЕЛДИ. Пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманидаги Парда Турсу номли 207-мактабда Наврўз таъинларини аллақачон бошлаб юборилган. Бу ерда 12 мартда ҳар бир синфда баҳор байрамини шодликларинг кенг тус олган эди. Кўни кеча эса навбат 2-«Б»га етди. Синфга Наврўз келди. Унинг шодликларидан болалар роса қувнаб яйрашди. Жамки кичиктоиларининг байрам дастурини томоша қилишга ота-оналар ҳам таъриф буюрдилар. — Синфимизда 25 нафар бола бор, — дейди 2-«Б» синф раҳбари Муқаррам Шойинова. — Уларнинг ҳар бири бир олам. Наврўз дилларга қувонч, кўзларга нур бахшида эта олгани яна бир бор инондим. Болаларинг ҳам бу ажойиб айёминг ҳислатларидан баҳраманд бўлдилар. Биз муаллимларга бундан ортиқ бахтининг кераги йўқ. Уетоз рости гапирди. Айни кулларида эса бутун республика бўлиб Наврўз тантаналарини кичикларинг сарҳуш эта бошлади. СУРАТЛАРДА: 207-мактабнинг «Наврўз»дан лавҳалар. Мати ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.



КЕЛИНГ, ШУ ИЛК баҳор кунларида халқларимизга эрк бериб, болаларинг бугубор кунларини эслайлик: уша сервақ дамларинг, оналариниг пинжига кириб, кўзлариниг мудрок босиб, бикирлаб қайнаётган сумалакни қоваламаган ким бор! Ушанда кунданнинг ачиқ тунуларидан кўзлариниг ачишган... ҳаммасини қўвонринг, дошқозонда ёқимли буй таратиб турган сумалакнинг хидларига тўйиб бўладики! Наврўз — йил боши. Уни қўсмаб, баҳорини иттиқ кутмаган одам топиламас. Кўнча Туррон тупроғида эл ўғилвайти, Тупроқ ўғилвапти. Бир неча кун мойабинда бўйдоилар ундириб тайёрлаб қўйилган дош қозонлар тўлиб, юртимизда сумалак сейларига бошланган. Баҳорини тўла қис қилмоқ учун кишиларимизда бутунлай бошқача қўнғида жилавланади. Бунинг устига сумалак қишлоқларда ўзгача тайёрланади ҳам. У ёқларда бу неъмат қўн-қўшинларининг, маҳалла-қўйининг, кетта-кетта қишлоқ-

СУМАЛАК СУЗИНГ ОНА...

Сумалак пиширилган хонадонга фақат ювнинг, озода кийиниб борилган. Сузининг қай бир иши, қилиги билан «ғуноқор» деб ҳисобланганлар бу уйнинг остонасига яқин йўламаганлар. Сумалакни тайёрлашда қозондан таққари ҳамма жиҳозлар ёғочдан бўлган. Коса-товоқ, қошиқ, жами-жаммаси, тагга олмасин деб қозонга тош ва ёнғоқ солишган. Ҳатто уларнинг сонини ҳам ўзинга ҳосилда халқимизнинг қадимий анъаналари кўзга ташланади. Ота-боболаримизнинг сумалак тайёрлашдаги урфларини ҳалғача давом эттириб келаятган урғулчилар бу тоам пишиётган қозонга еттида ёнғоқ ва ўн учта тош ташлашлари маълум. Чунки Шарқ халқлари азалдан ўн уч одатига амал қилганлар. Қирғизистоннинг Уш вилоятлиқда Кўршаб қишлоғиде эса сумалак тайёрлашда ишторик қилаётган етти нафар энг кекса кишининг ҳар бири қозонга етти дона тош солиди. Табиийки «сумалак» сузининг маъноси, бу гаройиб таомни тайёрлаш удумининг тарихи кўпчилигини қизқитиради. Улуе олим Маҳмуд Қошгарий «Девони луготи-турк» яъни «Туркий сўзлар девони» китобида сумалак хусусида шундай дейди: «Сумалак интиланган бугдой ном. Уни кўриштиб тунялади. Сўнг ундан урга ош ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган ундиринган арпа учун ҳам бу қўлланилади.


Демак, «сумалак» интиланган бугдой ёки арпа маъносини англатувчи қадимги туркий калом — «сумалак» келиб чиққан. Сумалак пишириш удуми эса Урта Осиёда яшаган қадимги туркий қавмлар орасида азалдан кенг расм бўлган. Умар Ҳайфм сузининг шох асари «Наврўзнома»да сумалак ҳақида мана бундай изох беради: «Сумалак баҳорнинг улуг ва тасиқ таомидир. Менга ривоят айлашларимки, Ҳисравнинг отаси Кормузд арпа қисиб ётган экинзор олдидан ўтиб кетган эди. Арпага қўйилган сув экинзордан тошиб, йўлга оқар эди. Фарвардан оён эди. Кормузд, «Арпа омонлик донин, унинг кўнак сувадан бир кўза тўлдириб олишга фармон қилди. Арпа орқали ўтган ён ундан чиққан сув чарқоқини тарқатиб, меъда касалликларини даволайди. Бу сувни ким ичса, у янги йил арпа пиширигача касалликлардан муҳофиза қилинган бўлади. Эроянликлар, туронликлар ҳам арпа экиннинг улдасидан чиқарилган. Арпа сумалак пиширилган илк кўнатдир. Абу Муслум жунбушдан кейин туронликлар Наврўзни қайта ўз шодиларига айлантirdилар. Шайларининг эътирозига Муҳаммад алайҳиссалом «Арпа уни тасиқ таомидир, танангизда қувват қаваяган чоғда уни кўпроқ таъавул қилинганлар, деган ҳадиси билан жавоб беради. Бонси, арпа уни ён қўнатлардан тайёр-



Мати ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.



Кўнча чинди намалек, Наврўздан бир нишона, Дошқозонда сумалак, Учоқ бошида она... Сумалак сузинг она... Норбек УСАНОВ.



ХАР ТУНИНГ ҚАДР УЛУВОН, ХАР КУНИНГ УЛСУН НАВРЎИ!

У. ҚУШВОҚОВ суварти.

Жалол АБДУЛ ЖАЛИЛ КЎКЛАМ ҚУШИДАЙ ПОРЛАДИ

Юдан ноз пардасини очди гунчалар, Оламга ишк атрини соди гунчалар. Фалакларда тинди изгирини оғи, Юлдузларни кучди майса нигоҳи...

АМИР ХУДОИВЕРДИ

ЮР. ЭНДИ КЕТДИК

Қул сийла барига, юр, энди кетдик, Само очмоқдадир дарвозасини. Сен тонги зибсан, ковакда қуртдек Урмаб юрганлар тушунмас сени.

Кетдик, тарк этайлик бу кори дунни, Виз ахир баландиз бари-баридан. Кўксинизга жойлаб келажак кунни, Бугунга боқайлик минг йил наридан.

ҒУЗАЛ ПУЛАТОВА

СИЗНИ ДЕСАМ...

Тошли-тошли кўчаларда оёқ толди, Виз из бордир, излай-излай мадор олди, Сиздан мухр ушал қадим гуллар қолди, Келманг энди, юракниман тонаверар, Сизни десам, армонларим ёнаверар.

Уртайверар уртаймаган дил зоринам, Виз фасл зор кутаверар безоринам, Ғуз қалбим ўзи доз этган-ей, озоринам, Келманг энди юракниман тонаверар, Сизни десам, армонларим ёнаверар.

Наврўз мушонраси

Оқариқнинг тонларига бегонаман, Пасту-баланд кучасида девонаман, Виз из қолган учирокмай овораман, Келманг энди, юракниман тонаверар, Сизни десам қалбим, дилин ёнаверар...

Нусрат КАРИМ

ХУРШИДИ ОЛАМ КЕЛДИ

Қалдирғоч қанотида Бойчечак сабосида Садуллоҳ баётида Наврўзи ажама келди Хуршиди олам келди Хамал қунидан найсон, Дурдек сочилиди ҳар ён. Гунчадан тизиб маржон Наврўзи ажама келди, Хуршиди олам келди.

Мухтор КОМИЛ

БУ ЙУЛЛАРДА

Уташман «Дугоҳи»га, «Сеғоҳи»га... Қалб қаноат топмас қўшқ ажри билан. Келангиз кўларининг кирғоғига, Уйнагани соғинчларнинг мавжи билан.

Сознинг юрак пардалари нам тортидими, Ғам тортидими ингради тор ёр-ёр? Дил фироқнинг зардаларини қам тортидими? Қаранг ахир бизга бир бор ёр-ёр!

Чидирманнинг зарбларидан тўкиласиз... Лабларингиз гул баргидек титрайпти. Паршонгул, нечун йўлга тикиласиз, Халқингиз қай томонга судрайпти?

Фарғонанинг йўллариди адашайин, Йўлингизга солинг мени ёр-ёр, Эркалатиб худди гўдак боладайин, Дилингизга олинг мени ёр-ёр!

Туи чиқмоқда сочингизнинг тусларига, Бу ғузалик тароқларни сийдиради. Мени кўминг шу сочларнинг исларига, Таровати юрагини тиндиради.

Кўзингиздан қайноқ ёшлар тўкилади, Наҳот бўлсам мен гуноҳдор ёр-ёр! Ниҳонингиз яна йўлга тикилади, Бу йўлларда яна ким бор ёр-ёр?

Пайн қирқилляпти

Тошкент шаҳар ички ишлар идораларида ўтган ҳафтада 119 та жиноий ҳаракат қайд этилди. Шулардан 21 таси кизлар босилмасдан очилиди. Масалан, Тошкент Давлат медицина институтини охиноларидан бирининг ошпази таъки фабрикасида олти той тамакинни олиб чиқиб кетаётганда ушланди. Чилонзор даҳасида яшовчи мактаб-интернет тарбиячиси хонадонига кирган номалум шахс 45 минг сўм пул, кийим-кечак ва тақинчоқларни ўйирлаб кетаётганда қўлга олинди. Шахристон ва Амир Темури кўчалари чорраҳасида давлат автомобил назорати ходимлари тўхтатган сурхондорлик шахсининг машинаси юкхонасида 98 та гуғурт қутчасига жойланган 304 грамм наркотик модда борлиги аниқланди...

Трактор заводи даҳасида «Жигули» машинаси олиб қочилгани, уни қайтариш учун жиноятчилар 260 минг сўм талаб қилганлиги хабар қилинди. Ички ишлар ходимларининг гездан кўрган чораси тўғрйли ўғри ушланди. Машина эгасига қайтарилди.

Пойтахт ички ишлар идоралари жамоатчилига таъйин, жиноятчилигини пайини қирқиб ишларни кучайтирмоқда.

«Ихтисослашган»

ўғриллар

Андижон вилоятида уй-жой қуриш ва томирқаларни кенгайтириш мақсадида аҳолига деярли 27 минг гектар ер ажратиб берилди.

Ер олганларнинг кўпчилиги вақтида янги уйлари қуриб, ҳовли тўйларини ҳам ўтказди. Лекин қурилиш материалларининг баҳоси бир неча баробар ошиб кетгани сабабли чала қолган қурилишлар ҳам оз эмас.

Оптикўл туманининг С. Ашуров номидаги жамоат хўжалигида 9 фўқаронинг қурилиш ашёлари, ҳатто ўрнатиб қўйилган ашик ва ромлари кўчириб, ўғрилаб кетилган. Жабрланганларнинг милиция ходимларига мурожаат қилишдан бошқа чораси қолмади.

Туман ички ишлар ходимларининг харақатлари билан қурилиш материалларини ўйнаришга «Ихтисослашган» ўғриллар тўдаси қўлга олинди. Маълум бўлишича, гуруҳ бошлиғи Баҳодир Асронқулов ҳам, ҳамтовоқлари Абдушукур Расулов, Умаржон Хайдаров, Зафар Оминов, Анвар Назаров, Араб Раҳимов ҳам шу қишлоқлик йигитлар экан. Қўзи-қўзига тўшади қаддон юрдошларини қайратганлар энди қилмишига яраша жазо олади.

ХАЙРИЯ ДАСТУРХОННИ ЕЗИЛАДИ

Сурхондарёда ҳам Наврўз байрами тадбирлари белгиланди. Шу кунни байрам тантаналари Термизнинг Ал-Ҳасим ат-Термизий номидаги бош майдонда бошланиб, шаҳарнинг боғ ва хиёбоналарида, маҳаллаларда, ўқув юртиларида давом этади. «Дустлик» истироҳат боғида ноз-неъматлар билан безатилган хайрия дастурхонлари ёзилди.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими, Қизил яримой жамияти ходимлари 124 нафар қаровчисиз кишининг ҳолидан хабар олишга қарор қилди. Ногиронларга 55 минг сўм ердан пули берилди. Вилоят ҳокимияти уларга 25 та махсус аравача сотиб олиш мақсадида 550 минг сўм пул ажратди.

У.А. мухбири.

БОШЧОРБОҒ ҲАНГОМАЛАРИ

Бошчорбоғда Эрмамаат деган бир йигит яшайди. У мактабин амаллаб тугатди-ю, авча пайтгача бирорте нишга киролмай юраверди. Ҳамма ўзини тинкоратга уриб, мўмай-мўмай пул топаётганда у ҳам шу соҳада бахтини синаб кўрмоқчи бўлди. Тўппа-тўпри РайПО раисининг олдига борди.

— Раис тоғо, мениям ишга олсангиз, юзингизни ерга қаратмасдим...

— Хў-ўш, — деди раис, — аввал сента битта савол бераман. Жавобинг ёқса, ишга олаверамиз. Айт-чи, дўконга яхшироқ мол келди, дейлик. Навбат катта. Одамлар ур-йиқит қилишяпти. Сен уларни қандай тинчитган бўлардинг?

— Хўшумомалалик билан, ўртоқлар, дердим, мол яхши, талашманглар, ҳаммага етади. Фақат навбатга туринглар... Хўшас, Эрмамаат савлога жойлашиб олди. Унинг Боймамаат деган журасини бор эди. Эрмамаат унга ишга қандай жойлашганини айтиб берди. Дустига ҳаваси келган Боймамаат ҳам тўппа-тўпри колхўз раисининг олдига борди: — Раис бува, ишсизман. Менгаям бирор иш топиб берсаларингиз.

— Хў-ўш, — деди чўзиб бу раис ҳам, — Қандай иш бўлсаям удалайсанми?

— Ҳаракат қиламан, раис бува.

— Унда сента битта савол бераман. Айт-чи, сен чўпон бўлсангу, бирдан сурхува бўрилар оралаб қолса. Қўйларни қандай ташласа. Сен уларни қандай тинчитган бўлардинг? Ошшасини гапларини бир-бири билан жавоб қилди: — Бўриллар, қўйлар кўп, талашманглар. Ҳаммага етади. Фақат навбатга туринглар-да! *** Бошчорбоғда Хоналиев деган бир муаллим ёни артилмаган яп-янги мотосеклинини миниб, кўчага чиқди. Шу заҳоти автоинспекторга дўк келиб қолди. Шошиб қолган домла «Номери йўқлигини сезмасин» деди-да, ички қўлини рўлдан олиб, кўчига босганди. мотосекли ардарлиб кетди. — Правангиз йўқлигини биламан. Номер ҳам олмангиз экансиз. Байрам экан деб, ичходганингиз нимаси? Энди нима бўлади? Хоналиев нима дейишини билмай додирарди: — Нима бўларди, ўртоқ ГАИ? Мотосеклининг ҳолига мен йилгайман. Менинг ҳолима маймулар...

«ХАЁ»-ЯНИ «ХАНДАЛАК»КА ЁЗАДИЛАР

Салгина... АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК Қишлоқнинг катта устоди-ониди Наврўзга бағишланган спорт мусобақалари бошланаётгани. Дастларини таърифи навбати раис бувага таърифи: — Ҳурматли колхўзимиз колхўзчилари! О, о, о, о... Дадажон муаллим чўзиб

чиқди-да, раиснинг қўлоғига шипшайди: — Тоғо, булар олимпиада ҳалқачалари. Уни ўймасангиз ҳам бўлади. Дунлад унинг пастиди... О, ЖОНОНА... Наврўз кунни район касалхонаси реанимация бўлимига башарасидан кимлигини таниб бўлмайдигон бир

ингитни олиб келишди. Тезкорликда қилинган аппаратта пайтда жарроҳлар унинг оғиз бўшлиғидан юз граммга яқин қовун пўчоғи, юз кузлари ва бўйинлари атрофидан жами 10—15 дона катта-кичик шиша қонларини териб олишди. Икки соат ичида зўрга

ни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қўлаҳмад Ризаев таъриқлади. Ёқуб Аҳмедов, Теша Мўминов, Гулҳеҳра Жамилова, Олимжон Орифионов, ажойиб сўз усталари Мирза Холметов, Тўхтамурод Азизов, шунингдек Маълана Мухторова қаби ўйлаб юрт селган санъаткорлар байрамга завқ бағишладилар. С. РУСТАМ, «Туркистон» мухбири.



ўзига келган ҳаваскор йигит жароҳат сабабларини шундай изоҳлади: «Қишлоқда устодионда концерт қўтувди. Талаб тўшавергач, «О, жонона»ни 7—8 марта қайтариб айтдим. Охирида чалкатиб кетиб, «О, қайнона...» деворганимни биламан...»

БАЙРАМ БУ — ШИФО ҲАМ

Наврўзи ҳамма ҳам ўз хонадониди ақиллари даврасида кута олмайди. Бировлар хизматда, кимлардир сафарда. Яна шундайлар борки, йилбошини шифохонада қаршилайдилар. — Беморларимиз хотиржам бўлишини, улар ҳам Наврўзи байрам қиладилар, — дея сўз берган эди Тошкент шаҳар 1-клиник шифо-хонаси боши шифокори Муродин Холматович Қодиров. Шундай бўлди ҳам. Касалхона радио тармоқлари тўшақда ётганларни тантаналардан уздуксиз хабардор қилиб турди. «Келин салом», «Бешик тўйи», қўтуловлар, энг фаолларга маъмурият совғалари, шифокорлар ва беморларни шаҳар соғлиқ-

Келгуси сонда:

● БЕРУНИЙ НАВРЎЗ ҲАҚИДА ● АСКАРЛАР БАЙРАМ ҚИЛИШДИ

БОШҚОТИРМА

Чайворд (сўзлар занжири) баҳор фасли мавзусида бўлиб, 23 та сўздан иборат.



1. Ваҳор элчиси бўлган кўш. 2. Наврўз халқ тароналаридан бири. 3. Қир гули. 4. Биринчи баҳор байрами — «Қизил лол» ўтказиладиган намланат. 5. Аллома. Умар Ҳайём асарини. 6. «Айём оғиз — кампир кунлари» деб аталадиган хатарли ҳафта. 7. «Зок» ва «Зирнан» деб аталувчи доривор ўсимлик. 8. Табиат ҳодисаси. 9. Ҳамал ойи. 10. Халқ орасида қоққўз, гудқоғи, деб аталувчи кўп йиллик сутширли ўсимлик. 11. Ёмғир ўсимлиги. 12. Муқимий шеъри. 13. Доривор бир йиллик гиёҳ. 14. Фойдалан хашарот. 15. Доривор ўсимлик. 16. Сувда ва қуруқликда яшовчи жонивор. 17. Қадимда сумалак пишirilган илк қўкат. 18. Байрамлардан олдинги кун. 19. Наврўз байрамиди сўзалак пиширини билан боғлиқ халқ ўйини. 20. Қўш қароғоҳи. 21. Еввойи атиргул. 22. Экиладиган олма, нок... 23. 1993 йил — (муҷал).

ТОПШИРИҚ: чайворд жавоб сўзларидан фойдаланиб қуйидаги муаммондада яширилган мутафаккир шоир Навойнинг ижодидан намунани ўқиб олсангиз! (Биринчи рақам чайворд, иккинчиси ҳарф тартибини билдиради).

12/6 — 1/2 — 1/6; 2/3 — 2/7 — 5/1 — 4/6 — 5/1 — 2/6; 10/5 — 9/5 — 13/3 — 16/3; 22/2 — 9/4 — 23/4 — 16/4 — 3/2 — 11/8; 12/6 — 1/2 — 1/6; 2/8 — 2/7 — 5/1 — 4/6 — 5/1 — 2/6; 11/2 — 9/4 — 15/2 — 16/2 — 20/2; 5/1 — 15/2 — 23/3 — 17 2 — 9/2 — 7/1

Тузувчи Анвар МИРЗАЗОДА.

Газета саҳифаланаётганда: ЧОЙХОНАДА ИФТОРЛИК ЎТКАЗИЛАДИ

Наврўз арафасида Богитамол туманининг «Сартепа» даҳасида троллейбус қатновини йўлга қўйиш ишлари ниҳосига етмоқда. «Масжиди қўнғироқдор» маҳалласида эса замонавий чойхона айём кунни илк бор қарияларни бағрига чорлайди. Бу ерда ифторлик ўтказилади. Байрам тантаналари Мустақиллик кўчасида бошланади. Сайинда шаҳар бадий ҳаваскорлари концерт намойиш этади. Хўроқ, қўқорқ уриштириш, кураш, спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари байрамга файз киритиши табиий. Шунингдек, Снеб туманига жойлашган қадимий Регистон ҳаргалгидек халқ тўпланадиган масканга айланади. Эрта тонгданоқ таралган кернай-сурнай садолари барчани шу қутлуғ жойга чорлайди. Келганларга ҳеласа, сумалак, нишолда ва бошқа кўклам неъматлари тарқатилади. Темирийўл вокзали майдониди озолиқ ва мустақиллик рамзи бўлган Семурғи ёдгорлиги очилади.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ Таҳриф хаймати: М.АБДУСАМАНОВА, А.АХМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЕЗОВ, К.РАХИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚўМИТАСИ ва «ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ газета 1925 йил 8 февралдан «Еш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган.

ТАХРИРИЯТ: хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700023, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-ўй. Нашр кўрсаткичи: 64607. Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади. Қўлэмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.